

Yu.N. Nishonov, Isakova N.R.

Fergana Institute of Public Health Medicine

✓ *Resume*

Anthropometric parameters of children under 18 years old living in the Fergana region were studied by age, gender and region. Based on the data obtained, the anthropometric parameters of children were analyzed. It was found that constipation caused by various diseases of the large intestine, common in children, has a negative impact on the anthropometric parameters of children.

Key words: anthropometric indicator, physical development, endogenous and exogenous factors, constipation.

“ЙЎҒОН ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ ОҚИБАТИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ҚАБЗИЯТНИНГ БОЛАЛАР АНТРОПОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ”

Ю.Н.Нишонов, Исакова Н.Р.

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

✓ *Резюме*

Фарғона вилоятида яшовчи 18 ёшгача бўлган болаларнинг антропометрик параметрлари ёш, жинс ва ҳудудлар бўйича ўрганилди. Олинган маълумотлардан фойдаланиб, болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Болаларда учрайдиган турли хил йўғон ичак касалликлари оқибатида келиб чиқадиган қабзият болаларнинг антропометрик кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди.

Калит сўзлар: антропометрик кўрсаткич, жисмоний ривожланиш, эндоген ва экзоген омиллар, қабзият.

ВЛИЯНИЕ ЗАПОРА НА АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ДЕТЕЙ ПРИ ЗАБОЛЕВАНИЯХ ТОЛСТОГО КИШЕЧНИКА

Ю.Н.Нишонов, Исакова Н.Р.

Ферганский институт медицины общественного здоровья

✓ *Резюме*

Изучены антропометрические параметры детей до 18 лет, проживающих в Ферганской области, по возрасту, полу и региону. На основании полученных данных проанализированы антропометрические параметры детей. Было обнаружено, что запор, вызванный различными заболеваниями толстой кишки, часто встречающимися у детей, оказывает негативное влияние на антропометрические показатели детей

Ключевые слова: антропометрический показатель, физическое развитие, эндогенные и экзогенные факторы, запор.

Долзарблиги

Маълумки, инсон танасининг муҳим кўрсаткичларидан бири бу унинг жисмоний ривожланиши бўлиб, бу кўрсаткич соғлиқни яхлит ва кўп қиррали баҳолашнинг асоси бўлган морфологик ва функционал параметрларни ўрганади. Ёшга боғлиқ морфологиянинг энг долзарб масалаларидан бири бу, турли ёшдаги болалар ва ўсмирларнинг ўсиши ва тана вазнини ўрганишдир. Жисмоний ривожланиш атроф-муҳит омиллари таъсири остида генотипик

маълумотлар фенотипик намоён бўлганда онтогенезнинг маълум босқичларида тананинг ўсиши ва ривожланиш жараёнларини акс эттиради[1].

Антропометрия - одам организми аъзоларининг ҳамма белгилари (узунлиги, эни, қалинлиги, шакли, ранги ва ҳ. к.) ўзгариб туришини миқдорий томондан тавсифлаб беради. Олинган маълумотлар организмнинг айрим бўлаклари (бош, бўйин, кўкрак қафаси, қорин ва чанок қисмлари, қўл ва оёқлар)га

такқосланиб, ўсиши ёки ўзгариши кузатиб борилади. Антропометрия маълумотларидан нафақат тиббиётда балки, криминалистикада жиноятчиларни тафсифлаш ва аниқлашда ҳам фойдаланилади [2].

Турли ёш давларида антропометрик кўрсаткичлар кўп омилли жараён сифатида иқлимий-географик омилларга сезиларли даражада боғлиқлиги ҳам эътироф этилган[3]. Шунга мувофиқ, болалар ва ўспиринларнинг жисмоний ривожланишига таъсир кўрсатадиган атроф-муҳит омиллари ҳар бир организмнинг ҳаёт тарзи, саломатлик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда индивидуал тарзда ва ҳудудлар кесимида ўрганишни тақозо этади[4]. Муаллифларнинг таъкидлашича, тоғли ҳудудларда яшовчи аҳолининг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари бошқа ҳудудлардаги аҳолига нисбатан бир қанча фарқланишга эга. Паст тоғли ҳудудда яшовчи 7-12 ёшдаги яъни кичик мактаб ёшидаги болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари жинсга, ёшга ва ташқи муҳитга боғлиқлаб ўрганилганда тана вазни ўғил болаларда 1,5 барабар, қизларда 1,9 барабар ортади ва ўғил болаларнинг энг интенсив ўсиши 9 ва 11 ёшда, қизларда эса 11 ва 12 ёшларда кузатилади[5].

Пенза ва Пенза вилоятида яшовчи 16-21 ёшдаги шахсларни антропометрик ва соматотипологик хусусиятлари ўрганилганда, уларнинг минтақавий хусусиятлари бошқа минтақаларга қараганда гавда узунлиги (0,5-2,5% гача) вазни (1-10% гача), кўкрак қасаси кенглиги ва унинг айланаси (2-8 %гача) камроқ эканлиги аниқланди[6].

Афанасиевская Ю.С. олиб борган изланишларига кўра, Краснодар ва Краснодар вилоятида яшовчи 16-21 ёшдаги аҳолини антропометрик ва соматотипологик хусусиятларда бошқа ҳудудларга нисбатан фарқланиш борлиги аниқланган[7]. Маълумки, болаларнинг жисмоний ривожланишига иқлим, турар жой рўзғор хусусиятлари, кун тартиби, овқатланиш характери, бошдан кечирилган касалликлар сезиларли таъсир кўрсатади. Муаллифларнинг кўрсатишларича, болалар жисмоний ривожланиш даражасига, шунингдек наслий омиллар, конституция типи, моддалар алмашинуви интенсивлиги, организм эндокрин фони, қон ферментлари ва овқат ҳазм қилиш безлари суюқликлари фаоллиги ҳам таъсир қилади. 2013-йилда Орлова М.И. томонидан хомиланинг антропометрик кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар ўрганиб, боланинг ривожланиш кўрсаткичлари туғилгандан 1 ёшгача бўлган даврда динамикада кузатган. Бунда ҳудудлар

кесимида ташқи муҳит омиллари таъсири, боланинг овқатланиш тартиби, табиий ва сунъий овқатланишидан келиб чиққан ҳолда ўзининг ҳулосаларини берган[8]. Тиббиёт манбаларининг кўрсатишича, охириги йилларда тиш-жағ тизими аномалиялари ва деформациялари сони кўпайди, бу айниқса кўкрак ёшида сунъий озиқлантиришда бўлган болаларда яққол кузатилган. Сунъий ва табиий озиқланишда бўлган болалар тиш-жағ тизими ва тишлов параметрлари ўзгаришлари хусусиятларини қиёсий тавсифлаш, гўдаклик ёшида турли озиқланишда бўлган болалар боши ва юзи антропометрик параметрлари меъёрий ўсишини аниқлаш мақсадида компьютер дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, болалар популяцияси жисмоний ривожланиши меъёр ва стандартларини тузиш болалар ҳаёт фаолиятига кўплаб ташқи омиллар таъсирини кўрсатиб берувчи объектив антрополог-экологик мониторинг яратиш касаллик асоратларни камайтириш, профилактик чора-тадбирлар механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади[9].

Жисмоний ривожланишнинг замонавий минтақавий стандартларидан фойдаланган ҳолда эндоген ва экзоген омилларнинг таъсирини ўрганиш натижасида болалар популяциясининг профилактик текширувларини оптималлаштириш мумкин[10]. Бунинг натижасида болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини минтақавий стандартларини ишлаб чиқиш методологиясини такомиллаштиришга эришилади.

Замонавий тиббиётнинг энг муҳим муаммоларидан бири умуртқа поғонасини анатоми-морфологик тузилиши ўрганишдир. 16-20 ёшдаги аёлларнинг қадди-қоматининг антропометрик ва вертеброметрик характеристикаси ҳамда умуртқа поғонасининг шаклини ўрганган[11]. Сўнгги ўн йилликда, айниқса, экологик жихатдан ноқулай кишлоқ хўжалиги ва саноат минтақаларида жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг ёмонлашуви тенденцияси кузатилди[12].

Турли ёш гуруҳларида жисмоний ривожланиш ҳолатини баҳолаш антропометрик кўрсаткичлардан фойдаланиш, бўй ва тана оғирлигини ўлчаш билан чегараланишган, аммо йўғон ичак касалликларида кузатиладиган колостазнинг болалар антропометрик кўрсаткичларига таъсирини тўлақонли мажмуавий ўрганиш бўйича маълумотлар етарлича ёритилмаган.

Шу сабабли турли минтақалар, шу жумладан мамлакатимиз болалари жисмоний ривожланиши, жинсий етилиши стандартларини тузиш тиббиёт учун катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқиладиган стандартлар акселерация жараёни ва бола соматик ривожланишига боғлиқ ҳолда тез-тез янгиланган туришни талаб қилади.

Антропометрия борасида бир қанча илмий изланишлар олиб борилган, лекин айнан йўғон ичак касалликларида жуда кўп кузатиладиган қабзиятнинг болаларнинг антропометрик кўрсаткичларига таъсири бугунги кунда тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир. Ушбу ўзгаришларни аниқлаш ва баҳолаш, уларни тизимлаш бугунги ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлик ҳолати ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади:

Фарғона вилояти шаҳар ва туманлари кесимида учрайдиган йўғон ичак касалликларидаги қабзиятни болаларнинг антропометрик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш.

Материал ва усуллар

Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳридаги 1-сонли мактаб, Фарғона туманидаги 21-сонли мактаб, Бағдод туманидаги 40-сонли мактаб, Бувайда туманидаги 9-сонли мактаблар ўқувчилар антропометрик кўрсаткичларини 926 та ўқувчида ўрганилди. Болаларнинг бўйи метрли бўй ўлчагич ёрдамида тик ҳолда ўлчанди. Тана массаси тарози билан ўлчанди. Қолган барча ўлчовлар сантиметрли тасма билан ўлчанди.

Натижа ва таҳлиллари

Тадқиқот 3 босқичда олиб борилди.. 1-босқичда болаларнинг бўй узунлиги ва тана вазнига асосланиб, уларнинг тана масса индекси аниқланди. Натижалар норма билан солиштирилди. 2-босқичда ёш ва жинсига нисбатан нормадан четланишга эга бўлган 18 ёшгача болалар динамикада кузатиб борилди. Ҳамда уларнинг бўй узунлиги, тана массаси, бош айланаси, кўкрак айланаси, бел айланаси, чап ва ўнг елка узунлиги, чап ва ўнг биляк-тирсак узунлиги, чап ва ўнг кўл узунлиги, чап ва ўнг панжа ҳамда бармоқлар узунлиги, чап ва ўнг оёқ узунлиги, чап ва ўнг сон ҳамда болдир айланаси ўлчанди. Болаларнинг антропометрик кўрсаткичларини ўзида мужассам этган

саломатлик харитаси “Худудлар кесимида аҳолини саломатлигини белгиловчи антропометрик кўрсаткичларни ўрганиш харитаси” ишлаб чиқилиб, унга юқоридаги кўрсаткичлар қайд этилди. Ўрганилган болаларнинг антропометрик ўлчовлари шу мактабнинг тиббиёт пунктларида шифокор ва тиббиёт ҳамшираси иштирокида ўлказилди. Динамикада кузатиб бориладиган 200 нафар болаларнинг олинган антропометрик кўрсаткичлари натижалари қуйидагича таҳлил қилинди.

Жумладан, Бағдод тумани 40-сонли мактабда болаларнинг ўлчанган антропометрик кўрсаткичлари таҳлил қилинганда 1-синф ўқувчилардан 7та ўғил болаларда ва 5та қиз болаларда; 2-синф ўқувчилардан 5та ўғил болаларда ва 6та қиз болаларда; 3-синф ўқувчилардан 3та ўғил болаларда ва 4та қиз болаларда; 4-синф ўқувчилардан 2та ўғил болаларда ва 4та қиз болаларда; 5-синф ўқувчилардан 8та ўғил болаларда ва 6та қиз болаларда; 6-синф ўқувчилардан 4та ўғил болаларда ва 7та қиз болаларда; 7-синф ўқувчилардан 5та ўғил болаларда ва 3та қиз болаларда; 8-синф ўқувчилардан 8та ўғил болаларда ва 9та қиз болаларда; 9-синф ўқувчилардан 6та ўғил болаларда ва 6та қиз болаларда; 10-синф ўқувчилардан 4та ўғил болаларда ва 5та қиз болаларда 11-синф ўқувчиларидан 5та ўғил болаларда ва 7 та қиз болаларда нормадан четланиш ҳолатлари кузатилди.

Жами ўрганилган болаларнинг 12,09% ида (жумладан 5,93% ўғил болалар ва 6,16% қиз болалар) антропометрик кўрсаткичлари нормадан паст эканлиги аниқланди. Антропометрик кўрсаткичлари нормадан паст бўлиш сабаби ўрганилганда, уларнинг 37,05% ида (шундан 24,01% и қиз болалар ва 13,04% ўғил болалар) қабзиядан азият чекиши аниқланди.

Хулоса

Болаларда учрайдиган турли хил йўғон ичак касалликлари (колит, Гриппрунг касаллиги, дисбактериоз, долихосигма ва бошқа касалликлар) оқибатида келиб чиқадиган қабзият болаларнинг антропометрик кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди.

	Ўрганилган болалар сони			Антропометрик кўрсаткичлари нормадан паст бўлган болалар сони		
Боланинг ёши	Жами болалар	Ўғил болалар	Қиз болалар	Жами болалар	Ўғил болалар	Қиз болалар
7 ёш	90	46	44	12	7	5
8 ёш	94	48	46	11	5	6
9 ёш	92	51	41	7	3	4
10 ёш	84	43	41	6	2	4
11 ёш	87	47	40	14	8	6
12 ёш	86	42	44	11	4	7
13 ёш	90	51	39	8	5	3
14 ёш	94	54	40	10	6	4
15 ёш	93	56	37	12	6	6
16 ёш	66	34	32	9	4	5
17 ёш	50	28	22	12	5	7
Жами	926	500	426	112	55	57

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Антонова А.А. Сравнительная характеристика физического развития детей // А.А. Антонова, С.Н. Ченцова, В.Г. Сердюков // Астрахан. мед. журнал. 2012. - № 4. – С. 26 – 29
2. Антропология – медицине. Под ред. Т.И. Алексеевой – МГУ, 1989.
3. Gladkaya VS, Gritinskaya VL. The characterization of the physical development of adolescent girls of the indigenous and alien population of the Republic of Khakassia. Mother and Baby in Kuzbass. 2015; 3: 27-30.
4. Gritinskaya VL. The characterization of the physical development and nutrition of schoolchildren of urban and rural population of the Krasnoyarsk territory. Pediatric Nutrition. 2012; 10(5): 8-11.
5. Мирбабаева С.А. Возрастные особенности роста антропометрических параметров тела у детей 7-12 лет жизни в условиях низкогогорья//Автореф. дисс. канд.мед.наук Уфа -2004
6. Антропометрические и соматотипологические особенности лиц юношеского возраста в Пензенском регионе //Автореф. дисс. канд.мед.наук. Волгоград-2008.
7. Афанасиевская Ю.С. Характеристика соматотипов юношей и девушек Краснодарского края/О.В.Калмин, Ю.С.Афанасиевская, А.В.Самотуга// Материалы докладов X Конгресса международной ассоциации морфологов. Морфология. 2010. Т.137, №4.С.86.
8. Орлова М.И. Динамика показателей длины и массы тела детей первого года жизни, находящихся на естественном вскармливании по рекомендациям Национальной программы оптимизации вскармливания детей первого года жизни в РФ/Кузмичев Ю.Г, Орлова М.И.//«Врач-аспирант».-2012 .-№5.3(54).-С.459-466.
9. Ядгарова Г.С., Норова М.Б., Тешаев Ш.Ж., Каюмов Х.О., Суюнова М.Х. Табиий ва сунъий озиклантирилган олти ёшли соғлом болалар юзи ва пастки жағ бурчаги морфометрик параметрлари // Ўзбекистон тиббиёт журнали, 2014, №6. – Б. 102–105 (14.00.00. № 8)
10. Baranov AA, Kuchma VR, Sukhareva LM, Rapoport IK. The value of the health of adolescents in shaping their harmonious development. Hygiene and sanitation. 2015; 94(6): 58-62.
11. Астанакулова С.А. Возрастные особенности роста антропометрических параметров у детей младшего школьного возраста. // Автореф. дисс. канд.мед.наук. Ташкент. - 2003.
12. Гелашвили О.А., Хисамов Р.Р., Шальнева И.Р. Физическое развитие детей и подростков // Современные проблемы науки и образования. – 2018. – № 3.

Келиб тушган вақти 09.04. 2021